**17/08 - сонли ШАРТНОМА**

**Термиз Давлат Университетининг Ахборот Коммуникация Технологиялари Инфратузилмасини Такомиллаштириш бўйича ишларни бажариш юзасидан**

**Тошкент шаҳри** **2022 йил «10» 08**

«SMART IT SUPPORT» Масъулияти чекланган жамият (келгусида "Бажарувчи" деб аталади), Устав асосида иш юритувчи директор Ф. Алимов бир томондан ва ТерДУ (келгусида "Буюртмачи" деб аталади) ________________ асосида иш юритувчи А.Р. Мохаҳмесв иккинчи томондан, биргаликда Томонлар деб аталади қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани имзоладик:

## 1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур Шартномага биноан Бажарувчи Термиз Давлат Университетининг Ахборот Коммуникация Технологиялари Инфратузилмасини Такомиллаштириш бўйича ишларни бажариш, Буюртмачи ушбу ишларнинг қийматини тўлаб бериш ҳамда ишларни қабул қилиш мажбуриятини олади.

1.2. Мазкур Шартнома бўйича лойиҳани амалга оширишда кўзда тутилган қурилма ва ускуналарнинг умумий миқдори, нархлари ҳамда хизмат кўрсатиш қиймати ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланадиган ***1-Илова***да келтирилган.

1.3. Мазкур шартнома бўйича режалаштирилган барча ишларни якунлаш муддати, шартнома имзоланган кундан бошлаб **20** календар кун этиб белгиланди.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ ҚИЙМАТИ, МОЛИЯЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий қиймати мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган ***2-Илова***да келтирилган ***Шартномавий нархни келишиш баённомаси***га мувофиқ, ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда **650 150 750,00 (олти юз эллик миллион бир юз эллик минг етти юз эллик минг) сўм** қийматини ташкил этади.

2.2. Буюртмачи мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 15 кун ичида Шартноманинг умумий қийматидан **30%** миқдорида, яъни **195 045 225,00 (бир юз тўқсон беш миллион қирқ беш минг икки юз йигирма беш) сўм**ни олдиндан тўлов сифатида Бажарувчи ҳисоб рақамига ўтказиб беради.

2.3. Шартнома қийматининг қолган қисми бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш Далолатномаси ва Ҳисобварақ-фактураси имзоланган кундан эътиборан 10 кун муддатда тўлаб берилади.

## 3. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1. Бажарувчининг ҳуқуқлари:**

3.1.1. Буюртмачининг розилиги билан мазкур Шартномада кўрсатилган ишларни (ёки уларнинг бир қисмини) бажариш учун барча масъулиятни ўз зиммасига олган ҳолда алоҳида мутахассисларни, шунингдек бошқа ташкилотларни жалб этиш.

**3.2. Бажарувчининг мажбуриятлари:**

3.2.1. Мазкур Шартнома шартларига мувофиқ Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузлмасини такомиллаштириш бўйича техник қўллаб-қувватлаш ишларни бажариш;

3.2.2. Бажарувчининг талабига биноан ишларнинг бажарилиши жараёни тўғрисида ахборот бериш.

3.2.3. Мазкур Шартнома доирасида маълум бўлган тижорат, молиявий, техник ва бошқа ахборотлар (сир)ларни учинчи шахсларга ошкор этмаслик.

**3.3. Буюртмачининг ҳуқуқлари:**

3.3.1. Бажарувчи томонидан амалга оширилган ишлар сифати юзасидан ўз эътирозларини билдириш ва камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш;

3.3.2. Бажарувчининг мазкур Шартнома доирасидаги мажбуриятларини амалга ошириш жараёнларини текшириш.

**3.4. Буюртмачининг мажбуриятлари:**

3.4.1. Мазкур шартнома доирасида бажарилган ишлар қийматини ушбу Шартноманинг 2-

бандида ўрнатилган миқдорда ўз вақтида ва тўлиқ тўлаб бериш.

3.4.2. Ўз ваколати доирасида мазкур Шартномада белгиланган ишларни бажаришда Бажарувчига зарурий техник шарт-шароитларни ва бошқа керакли материалларни ўз вақтида тақдим этилишини таъминлаш.

3.4.3. Мазкур Шартнома доирасида ишларни бажариш жараёнида тезкор қарорларни қабул қилиш учун ўз вакилини белгилаш.

## 4. ШАРТНОМА ДОИРАСИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартнома доирасида белгиланган ишлар якунига етгач, Бажарувчи Шартнома шартларига кўра ишларнинг бажарилганлигини тасдиқловчи бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактурани Буюртмачига тақдим этади.

4.2. Буюртмачи имзоланган бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси ва ҳисоб-фактурани Шартноманинг 4.1-бандида кўрсатилган ҳужжатларни олган кундан эътиборан 5 (беш) иш куни ичида Бажарувчига тақдим этади.

4.3. Буюртмачи Бажарувчи томонидан бажарилган ишларни қабул қилишдан бош тортганда 5 (беш) иш куни давомида ишларни қабул қилинмаганлигининг асосли сабабларини Бажарувчига ёзма равишда маълум қилиши лозим.

4.4. Бажарилган ишларда камчиликлар аниқланган тақдирда, Бажарувчи 10 (ўн) иш кунидан кечикмаган ҳолда аниқланган камчиликларни ўз ҳисобидан бартараф этиши лозим. Аниқланган камчиликлар бартараф этилмаган тақдирда Буюртмачи томонидан ёзма огоҳлантириш берилган кундан эътиборан 10 (ўн) иш куни давомида ишларнинг мазкур (сифатсиз ёки яроқсиз деб топилган) қисми учун олинган пул маблағларини Молиялаштирувчига қайтариши лозим.

## 5. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

5.1. Мазкур Шартнома шартларига Томонларнинг келишувига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ўзгартиришлар киритиш мумкин.

5.2. Мажбуриятларнинг бажарилишидан бир томонлама бош тортиш ва мазкур Шартнома шартларига бир томонлама ўзгартиришлар киритишга йўл қўйилмайди.

5.3. Мазкур Шартнома Томонларнинг ўзаро келишувига биноан ёзма шаклда расмийлаштирилган, Томонлар томонидан имзоланган Қўшимча келишув билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин.

5.4. Шартнома бир томоннинг талабига биноан фақатгина суд қарори билан, бошқа томон томонидан Шартноманинг шартлари бузилганда, ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Бунда бир томондан бошқа томонга етказилган Шартнома тузилаётган вақтда кўзда тутилган фойда (манфаат)дан маҳрум бўлишга олиб келувчи зарарлар муҳим омиллар ҳисобланади.

5.5. Бир томоннинг мазкур Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш талаби, бошқа томондан Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилишни рад этилгандагина судга арз қилиниши мумкин.

## 6.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Мазкур Шартномага кўра, Томонлар ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки номувофиқ бажарганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жавобгардирлар.

6.2. Мазкур Шартномада кўрсатилган ишларнинг бажарилиш муддатларини бузганлиги учун Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиккан кун учун Шартнома бўйича бажарилмаган ишларнинг қийматидан 0,5 фоиз (0,5%), лекин бажарилмаган ишлар қийматининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.3. Буюртмачи Шартноманинг 2-бобида кўрсатилган ҳисоб-китобларни амалга ошириш муддатларини кечиктирганлиги учун, ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлаб берилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 0,5 фоизи (0,5%), лекин тўлаб берилиши лозим бўлган ишлар қийматининг 50%идан ортиқ бўлмаган миқдорда Бажарувчига пеня тўлайди.

6.4. Мазкур Шартноманинг 9-боби (Махфийлик) шартлари бузилган тақдирда, ушбу камчиликка йўл қўйган Томон бошқа Томонга ҳужжатлар билан тасдиқланган етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб беради.

6.5. Томонлар Шартномада кўзда тутилган пеняни ёзма шаклдаги даъво (талаб)ни олган кунидан эътиборан 10 (ўн) кун ичида тўлаб беради. Пеня тўлаш Шартнома шартларини бузган Томонни мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## 7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Мазкур Шартнома шартларидан келиб чиқиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар Томонлар ўртасида ўзаро келишув асосида ҳал этилади.

7.2. Томонлар мазкур Шартнома бўйича келиб чиққан низоли масалалар ва келишмовчиликларни ҳал этиш учун давогар жойлашган ҳудуддаги иқтисодий судига мурожаат қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

## 8. ФОРС-МАЖОР

8.1. Томонлар 8.2-бандда кўрсатилган вазиятлар туфайли шартнома мажбуриятларини бажаришга имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, шартнома мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгар бўладилар.

8.2. Форс-мажор ҳолатлар жумласига Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда Томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имкони бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар киради.

8.3. Форс-мажор ҳолатлари юзага келганлиги тўғрисида Томонлар бир-бирини ушбу вазият юзага келганлиги маълум бўлган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида огоҳлантиришлари лозим.

8.4. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган вазиятда, мажбуриятларни бажариш муддатлари ушбу вазиятлар ва уларнинг оқибатлари бартараф этилгунга қадар узайтирилади.

8.5. Форс-мажор ҳолатлари уч ойдан ортиқ давом этган тақдирда, томонлар Шартномани бекор қилишлари мумкин. Бунда Бажарувчига Буюртмачи томонидан тўлаб берилган олдиндан тўлов, ишларнинг бажарилган қисми қийматини чегириб қолган ҳолда, Буюртмачига қайтариб берилади.

## 8А. КООРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВА БОШҚА ШАРТЛАР

8а.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикаси Коорупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай харакатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик килмайди, бевосита ва билвосита пора олишга розилик бермайди ёки ходим ўз хизмати мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян харакатларга йўл қўмаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

8а.2. Шартномада кўрсатилган маблағдан ортиқча бажарилган иш ҳажмининг маблағини буюртмачи тўлаб беришни ўз зиммасига олмайди.

## 9. МАХФИЙЛИК

9.1. Буюртмачи – Қабул қилувчи томонга махфий маълумотларни ошкор қилувчи томондир.

9.2. Қабул қилувчи томон – яъни Бажарувчи Буюртмачидан махфий маълумотларни қабул қилувчи томондир.

9.3. Мазкур шартномага кўра ушбу шартноманинг шартлари ҳамда шартнома тузиш, бажариш ва бекор қилиш пайтида Томонлар ўзаро алмашадиган ҳар қандай маълумот ушбу шартнома амал қилиш муддати ва унинг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг 5 (беш) йил давомида (агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида узоқроқ муддат кўзда тутилмаган бўлса) махфий ҳисобланади.

9.4. Ҳар қандай махфий маълумотни, шу жумладан оғзаки равишда олган Қабул қилувчи томон, Ошкор қилувчи томондан бундай маълумотларнинг махфийлиги тўғрисида ёзма хабар олган бўлса, уни ошкор қилмаслиги керак. Бундай маълумотни худди шундай муҳим даражадаги маълумотларга тааллуқли эҳтиёткорлик даражасида қайта ишлаш мажбуриятини олади.

9.5. Қабул қилувчи томонидан қабул қилинган ахборот қуйидаги хусусиятлардан бирига жавоб берса, махфий ҳисобланмайди ва тегишли равишда Қабул қилувчи томон бундай маълумотларга нисбатан махфийликни сақлаш мажбуриятига эга эмас:

9.5.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ махфий бўлмаган маълумотлар.

9.6. Агар ахборот конун ҳужжатларига, бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга, суд қарорига мувофиқ ошкор этилиши лозим деб топилса Қабул қилувчи томон Ошкор қилувчи томоннинг розилигисиз махфий ахборотни ошкор қилиш ҳуқуқига эга, бунда Бошқа томондан маълумот олган

Томон бу ҳақида Бошқа томонни олдиндан ёзма равишда хабардор қилиши ва ахборотни ошкор қилиш зарурлигини тасдиқлаши шарт.

9.7. Томонлардан бирининг махфийлик шартлари бузилган тақдирда, ушбу Томон Бошқа томонга етказилган зарарни Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан қоплаб беради.

## 11. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилигида рўйхатдан ўтган кундан эътиборан кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

10.2. Ушбу шартнома Томонлардан бирининг Шартнома шартларига амал қилмаган ҳолатида, етказилган зарарни қоплаган ҳолда бекор қилиниши мумкин.

10.3. Мазкур Шартномага барча ўзгартиришлар ёзма равищда расмийлаштирилиши ва Томонлар томонидан имзоланиши лозим.

10.3. Шартнома Томонларнинг ҳар бири учун биттадан икки нусхада тузилиб, барча нусхалар бир хил юридик кучга эга.

## 12. ЮРИДИК МАНЗИЛЛАР, БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ТОМОНЛАРНИНГ ИМЗОЛАРИ

**“Бажарувчи”**

**«SMART IT SUPPORT» МЧЖ**

*Манзил:* Тошкент ш., Мирзо Улугбек
тумани, Мустақиллик кўчаси, 29-уй, 9-10;
*Банк:* “Ipoteka Bank” АТИБ Юнусобод филиали;
*Ҳ/р:* 2020 8000 9007 9048 6001;
*Банк коди:* 00837; *ОКЭД:* 62090;
*ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган рақами:* 326030045481
*Тел.:* + 998 (55) 502-55-55;
*E-mail:* smartituz@gmail.com

**Директор**

______________ (имзо) ______________

М.Ў.

**“Буюртмачи”**

Термиз давлат университети
Манзил: Термиз шаҳри Баркамол авлод 43.
Тел: 222-84-13 ОКОНХ: 92110.
ИНН: 200473474.
E-mail: termiz du@umail.uz
ШХВ: 400910860224040914000790003.
МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҒАЗНАЧИЛИГИ
Х/Р 23402000300100001010
МБ ХККМ ТОШКЕНТ Ш. Б.Б.
МФО: 00014.

______________ (имзо) ______________

М.Ў.

2022 йил “10” 08 даги
12/08 - сон шартномага
2-илова

# ШАРТНОМАВИЙ НАРХНИ КЕЛИШИШ БАЁННОМАСИ

Биз, қуйида имзо қўювчилар, «SMART IT SUPPORT» Масъулияти чекланган жамият (келгусида “Бажарувчи” деб аталади), Устав асосида иш юритувчи директор Ф. Алимов бир томондан ва Термиз давлат университети (келгусида “Буюртмачи” деб аталади) Устав асосида иш юритувчи А.Р. Марасулов иккинчи томондан ***Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузлмасини такомиллаштириш лойиҳаси*** учун ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда **650 150 750,00 (олти юз эллик миллион бир юз эллик минг етти юз эллик минг) сўм** миқдорида шартномавий нарх белгилаш тўғрисида келишиб олингани ҳақида ушбу Баённомани имзоладик.

Мазкур баённома Томонлар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва тўловларни ўтказиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

| **“Бажарувчи”** | **“Буюртмачи”** |
| --- | --- |
| **«SMART IT SUPPORT» МЧЖ Директори** | Термиз давлат университети |
| (имзо) | (имзо) |
| М.Ў. | М.Ў. |

2022 йил “10” август даги
№17/08 - сон шартномага
1-илова

# Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузлмасини такомиллаштириш лойиҳасини амалга оширишда фойдаланиладиган қурилмалар ва хизматлар

| № | Қурилмалар ва бажариладиган хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС | | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка | Сумма | |
| 1. | Термиз давлат университети ўқув биноларидаги мавжуд корпоратив тармокни ўрганиб чиқиш ва барча қурилмаларни созлаш (13 та ўқув биноси) | хизмат | 1 | 10 000 000,00 | 10 000 000,00 | 15% | 1 500 000.00 | 11 500 000,00 |
| 2. | 0 ‘zDSt 1987:2018 Ўзбекистон Республикаси “Ахборот технологиялари” давлат стандартига мувофиқ техник топшириқ ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник топшириқ.<br>- Локал тармокларни лойиҳалаш;<br>- Симсиз тармоқларни лойиҳалаш;<br>- Сервер хонани такомиллаштириш бўйича лойиҳалаштириш;<br>- Корпоратив тармоқ топологияси;<br>- Етказиб бериш, монтаж ишлари ва хизмат кўрсатиш. | Бутун лойиҳа учун | 1 | 22 000 000,00 | 22 000 000,00 | 15% | 3 300 000,00 | 25 300 000,00 |
| 3. | *Умумий параметрлар*<br>Пакетли процессор Realtek RTL8382M 24 порта 10/100/1000BASE-T (RJ-45)<br>4 порта Combo 10/100/1000B ase-T/100BaseFX/1000Base-X 1 консол порт RS-232 (RJ-45)<br>*Умумдорлиги*<br>Ўтказиш қобилияти — 56 Гбит/с; Умумдорлиги 64 байт пакетларда ишлаш 1 — 41,658 MPPS<br>Буфер хотира ҳажми — 512 Кбайт; Оператив хотира (DDR3) — 256 Мбайт;<br>ДХҲ ҳажми (SPI Flash) — 32 Мбайт; MAC манзиллар жадвали — 8192<br>ARP ёзувлари сони — 1000; VLAN жадвали — 4094<br>Мультисаст гуруҳлари сони L2 Multicast (IGMP Snooping) — 509<br>SQinQ — 128 (ingress), 256 (egress) MAC ACL — 381 IPv4/IPv6 ACL — 219/128<br>L3-интерфейслар сони — 8 vlan, 5 тагача 1Py4-адрес хар бир vlan, 300 тагача IPv6 GUA vlan<br>Link Aggregation Groups (LAG) - 8 ортгача битта LAG учун QoS — ҳар бир порт учун 8 чиқиш навбати;<br>Jumbo-фрейма ҳажми — Пакетнинг максимал ҳажми 10 000 байт<br>*Бошқарув коммутатор L2,* | дона | 46 | 2 431 000,00 | 111 826 000,00 | 15% | 16 773 900,00 | 128 599 900,00 |

| № | Қурилмалар ва бажариладиган хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС | | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка | Сумма | |
| | Ethernet-коммутатор , 24 порта 10/100 Base-T, 4 порта 10/100/1000 Base-T/1000Base-X (SFP),<br>L2, 220V AC, 12V DC қўшимча функциялар L2 Стек қўллаб-кувватлаш Multicast (IGMP Snooping, MVR) қўллаб-кувватлаш L2-L4 ACL, IP Source Guard, Dynamic ARP Inspection ва бошқалар.<br>*Узлуксиз батарея қуввати*<br>Электр кучланишидан самарали ҳимоя қилиш - 6 кВ гача, | | | | | | | |
| 4. | *Телекоммуникацион шкафлар:*<br>- Шкаф 6U 600x450x503мм юк кўтариш ҳажми 60 кг гача, KV6406BAA | дона | 38 | 960 000,00 | 36 480 000,00 | 15% | 5 472 000,00 | 41 952 000,00 |
| 5. | Tranceiver SFP BIDI 1310 nmTx/1550nmRx 1.25G 20km LC<br>Артикул: SPT-PB531G-L20D - 55та<br>Tranceiver SFP BIDI 1310 nmTx/1550nmRx 1.25G 20km LC<br>Артикул: SPT-PB351G-L20D - 55 та | дона | 110 | 212 000,00 | 23 320 000,00 | 15% | 3 498 000,00 | 26 818 000,00 |
| 6. | *Оптик улаш кассетаси*<br>Оптик улаш кассетаси учун шаффоф қопқоқ | дона | 110 | 26 000,00 | 2 860 000,00 | 15% | 429 000,00 | 3 289 000,00 |
| 7. | *Патч корд*<br>UPC Дуплекс 10M LC-LC Артикул: SPP-LC-LC-UU-2D-20-10V | дона | 28 | 65 800,00 | 1 842 400,00 | 15% | 276 360,00 | 2 118 760,00 |
| 8. | *4 та толали оптик кабел*<br>масофавий қувват элементли оптик кабель (пўлат сим), осилган, бир модулли, | метр | 2 650 | 4 810,00 | 12 746 500,00 | 15% | 1 911 975,00 | 14 658 475,00 |
| 9. | *Мутахассисларни тайёрлаш (3 ой давомида)*<br>Ўқиш натижаларига кўра тегишли сертификатлар бериш.<br>Симсиз тармоқларни алмаштириш, маршрутлаш ва асослари.<br>Корпоратив тармоқларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш. | ходим | 2 | 4 000 000,00 | 8 000 000,00 | 15% | 1 200 000,00 | 9 200 000,00 |
| 10. | *Корпоратив тармоқда мавжуд видеокузатув тизимларини кўчириш:(13 та ўқув биносида)*- видеокузатув камераларини демонтаж ва монтаж қилиш ва NVR курилмаларини созлаш;- Хар бир бинода мавжуд бошқарув коммутаторларини созлаш ва видеопотокларни бошқариш;- Хар бир бинода мавжуд видеокаремаларни алоҳида алоҳида изоляциялаш ва мониторинг тизимига интеграциялаш. | дона | 500 | 130 000,00 | 65 000 000,00 | 15% | 9 750 000,00 | 74 750 000,00 |
| 11. | - SNMP сервер ўрнатиш ва созлаш;<br>- Симсиз локал тармоқларни бошкариш ва созлаш;<br>- Kerio control серверини созлаш; | хизмат | 1 | 15 000 000,00 | 15 000 000,00 | 15% | 2 250 000,00 | 17 250 000,00 |
| 12. | - Умумий видеопотокларни бошқариш;<br>- Мониторинг тизимини яратиш ва созлаш;<br>- Тармоқ трафигини мониторинг қилиш тизимларини ўрнатиш ва созлаш;<br>- 80 та бошкариш коммутаторларини созлаш; | хизмат | 1 | 55 000 000,00 | 55 000 000,00 | 15% | 8 250 000,00 | 63 250 000,00 |

| №. | Қурилмалар ва бажариладиган хизматлар номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Сумма | ҚҚС | | Сумма ҚҚС билан бирга |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | Ставка | Сумма | |
| | - АТ-инфратузилмани техник аудит қилиш;<br>- Сервер курилмалари техник аудит қилиш; | | | | | | | |
| 13. | АТ инфратузилмани техник қўллаб қувватлаш<br>Мавжуд корпоратив тармоқни доимий ишланини қўллаб кувватлаш 3 ой давомида; | хизмат | 3 | 20 000 000,00 | 60 000 000,00 | 15% | 9 000 000,00 | 69 000 000,00 |
| 14. | Оптик кросса монтаж қилиш | хизмат | 110 | 600 000,00 | 66 000 000,00 | 15% | 9 900 000,00 | 75 900 000,00 |
| 15. | 13 та ўқув биносида мавжуд коммутатор курилмаларига | хизмат | 80 | 200 000,00 | 16 000 000,00 | 15% | 2 400 000,00 | 18 400 000,00 |
| 16. | СФП модулларини созлаш ва тест қилиш. | дона | 110 | 100 000,00 | 11 000 000,00 | 15% | 1 650 000,00 | 12 650 000,00 |
| 17. | Оптик толали кабелни пайвандлаш жараёнида минимал жойни эгаллаш.<br>- Хар бир ўқув биносининг қаватларида орсига оптик толали кабелларни пайвандлаш.<br>(13 ўқув биноси 80 коммутатор Кабель умумий узунлиги 2 700 метрдан - 3000 метргача) | метр | 3000 | 5 000,00 | 15 000 000,00 | 15% | 2 250 000,00 | 17 250 000,00 |
| 18. | Қўшимча харажатлар (штрапс, саморез, коннектр, изолента, караба, скоутч ва х.к.) | | 1 | 33 273 578,26 | 33 273 578,26 | 15% | 4 991 036,74 | 38 264 615,00 |
| | | | | | | | **Жами:** | **650 150 750,00** |

**"Бажарувчи"**

**«SMART IT SUPPORT» МЧЖ**

*Манзил:* Тошкент ш., Мирзо Улугбек тумани, Мустакиллик кўчаси, 29-уй, 9-10;
*Банк:* "Ipoteka Bank" АТИБ Юнусобод филиали;
*Х/р:* 2020 8000 9007 9048 6001;
*Банк коди:* 00837; *ОКЭД:* 62090;
*ҚҚС тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтган рақами:* 326030045481
*Тел.:* + 998 (55) 502-55-55;
*E-mail:* smartituz@gmail.com

**Директор**

_______________ (имзо)

М.Ў.

**"Буюртмачи"**

Термиз давлат университети.
Термиз ш. Баркамол авлод 43
Тел. 222-84-13. ОКОНХ: 92110
ИНН: 200473474
ШХВ: 400910086022416717091100079003.
Банк: МБ ХККМ Тошкент ш.б.б.
МФО: 00014.

_______________ (имзо) _______________

М.Ў.

ТАСДИҚЛАЙМАН
Термиз давлат университети Молия ва иқтисод
ишлари бўйича проректори __________ О.Абдуғаниев
"23" август 2022 йил

Термиз давлат университети ички танлов комиссиясининг йиғилиш

БАЁНИ № 10/08

"10" август 2022 йил Термиз шахри

Раис: О.Абдуғаниев

Аъзолари: Н.Хурсандов

А.Сарибаев

Н.Шаметов

**Кун тартибидаги масала:**

**1. Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича ички танлов ўтказиш ҳақида**

Эшитилди: Ушбу масала бўйича Термиз давлат университети Молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори О.Абдуғаниев ўз сўзида, Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича таклиф билан чиқиб, университетнинг барча ўқув биноларини ва маъмурий биноларини локал тармоқни тўлиқ оптик толали кабеллар билан қамрамб олиш ва барча бинолар ўртасида ақлли свич қурилмалари билан боғлаш мақсадида махсус ахборот порталига энг яхши таклифларни танлаш учун ЛОТ 124624 билан эълон жойлаштирилиб, эълон муддати 27.07.2022 йил тугади ва 28.07.2022 йил "SMART IT SUPPORT" МЧЖ 650 150 750.00 сўм билан ғолиб бўлган электрон протокол шаклланган. ЎзРнинг № 684 Қонунига асосан ушбу протокол 2 иш куни муҳокамада турди ва шу даврда ҳеч қанда шикоят келиб тушмаганлигини инобатга олиб

Йиғилиш қатнашчилари ўзаро келишиб

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузилмасини такомиллаштириш учун "SMART IT SUPPORT" МЧЖ билан шартнома тузилиб, тўловлар амалга оширилсин.

2. Мазкур топшириқни бажариш бош хисобчи Б.Аманов зиммасига юклатилсин.

Раис: О.Абдуғаниев

Аъзолари: Н.Хурсандов

А.Сарибаев

Н.Шаметов

Сурхандарьинское областное
ведущее проектное предприятие по
жилищно-промышленному и водохозяйственному
строительству

«Уйжойсаноатсувкурилиш»

# РАБОЧИЙ П Р О Е К Т

## ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ IT ЛОКАЛЬ ТИЗИМИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

**(локально ресурсные ведомости)**

# Книга №_1

**Термез 2022 ГОД.**

**Частное проектное предприятие**
**«Уйжойсаноатсувкурилиш»**

**Арх № ________________**

**Зак № ________________**

**Р А Б О Ч И Й     П Р О Е К Т**

# ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИ IT ЛОКАЛЬ ТИЗИМИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

(Локально-ресурсные ведомости)

**Книга № 1**

**Гл. инженер частной проектной организации**
**«Уйжойсаноатсувкурилиш»:                    Т.АБРАЕВ**

**Г.Термез-2021г.**

# О Г Л А В Л Е Н И Е


| | Номер смет | Наименование смет | Номер страницы |
|---|---|---|---|
| 1 | | **ТИТУЛЬНЫЙ ЛИСТ** | |
| 2 | | **ОГЛАВЛЕНИЕ** | |
| 3 | | **ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА** | |
| 4 | | **СВОДНЫЙ СМЕТНЫЙ РАСЧЕТ** | |
| 5 | | **ОБЪЕКТНАЯ СМЕТА** | |
| 6 | | **УЧЕБНЫЕ БЛОКИ** | |
| 7 | Ведом.потр.ресурс 1 | ЛОКАЛЬНАЯ СЕТЬ | |
| 8 | Лок.рес.ведом 1-1 | ЛОКАЛЬНАЯ СЕТЬ | |


СОСТАВИЛ ПИЩАЕВА

# *ПОЯСНИТЕЛЬНАЯ ЗАПИСКА*

***Сметная стоимость строительства объекта определена в соответствии с Постановлением Кабинета Министров от 11.06.2003 года № 261 «О переходе на договорные текущие цены при реализации инвестиционных проектов»,Постановлением Кабинета Министров от 12.05.2004 года №226 «О внесении изменений в некоторые решения Правительства Республики Узбекистан» и Правилами определения стоимости строительства в договорных и текущих ценах ШНК 4.01.16-09.***

***Стоимость строительства объекта определена по «ресурсному методу « на основании разработанной документации :***

***-номенклатуре и количеству оборудования;***
***-нормативной трудоемкости;***
***-затраты на эксплуатацию машин и механизмов;***
***-номенклатуре и количеству строительных материалов, изделий и конструкций ;***
***-прочим затратам и расходам.***

***Стоимость объекта в текущих ценах определена по формуле:***

***С=(Со +См +Сэп + Сэм +Сп +Пп +Пз + Ср) х Кр***

***Где:***
***Со – затраты на оборудование , мебель и инвентарь;***
***См- затраты на строительные материалы, изделия и конструкции : согласно письма заказчика № пересчет на 14 протокол.***
***Сэп- затраты на основную заработную плату с учетом начислений на социальное страхование в размере 18676,41 сум. и стоимости механизмов согласно задания на проектирование.***
***Сэм- затраты на эксплуатации. Машин и механизмов ; по протоколу выданных заказчиком на объекты инвестиционных программы на 2022 год. № 14***
***Пп- прочите затраты и расхода подрядчика в размере 17,54 %***

***Пз- прочие затраты и расходы заказчика :5% от итоговой стоимости без НДС***
***Ср-затраты на страхование строительных объектов 0,32%.***
***Кр- коэффициент риска ,определяемый исходя из прогнозируемого индекса роста цен в строительстве на очередной год.***
***Кр- коэффициент риска ,в связи с непродолжительным сроком строительных работ при определении сметной стоимости -не учитывается.***

***Затраты на оборудование, мебель и инвентарь определяется на основании спецификаций с применением цен предприятий –производителей ( поставщиков) или по данных банка, формируемого на основе мониторинга цен с учетом транспортных и заготовительно-складских расходов ,отчислений в пенсионный и дорожный фонд, экологический и школьный налог.***

***Затраты на строительные материалы , изделия и конструкции определены на основе фактических показателей согласного сводного ресурсного расчета, разработанного в составе документации с применением средних цен на единицу , сложившихся в данном регионе, по формуле :***

***См=См1+См2+См3+ …..+Смп,***

***Где:***
***См1,См2,См3,Смп –стоимость отдельных видов строительных материалов и конструкций : Смп=N хЦср,***
***Где:***
***N – количество отдельного вида строительного материала ( изделия, конструкции ), требуемого для строительства объекта.;***

***Цср- средняя цена на единицу строительного материала (изделия, конструкции).***

*Цены на строительные материалы (изделия, конструкции), определенные в соответствии с законодательными нормами , включают в себя оптовые цены заводов –изготовителей ,затраты на тару, транспортные расходы, наценку снабженческо-сбытовых организаций.*

*Транспортные расходы определены 5% от стоимости материалов ,конструкций, 2% от стоимости оборудования, кабельная продукция 1,2% согласно письма Госстроя №832/1404 от 31.01.2011 года.*

*Затраты на заработную плату определены путем умножения нормативной трудоемкости проекта на текущую стоимость одного человека-часа (в сумах) и на коэффициент , учитывающий размер отчисления на социальное страхование , по формуле:* $Сэп=Т \times Сч \times Ксс$,

*Где;*

*Т- нормативная трудоемкость строительства объекта ,определяемая в составе документации в чел.-часах;*

*Сч- среднечасовая заработная плата рабочих ,исчислена исходя из уровня среднестатистической месячной заработной платы строителей по региону;*

*Ксс-коэффициент ,учитывающий размер отчислений на социальное страхование =1,12,*

*Исчисление среднечасовой заработной платы произведено по формуле:*

$$Сч= З\,мс :Ф,$$

*Где;*

*Змс- среднегодовая заработная плата строителей по региону в расчете на месяц ,определенная на основе статистических данных за предыдущие 12 месяцев, сумм/месяц.*

*Ф- среднемесячный фонд рабочего времени в часах по данным Министерства труда и социальной защиты населения Республики Узбекистан на 2015 год =168,33 часа.*

*Стоимость затрат на эксплуатацию машин и механизмов при определении стоимости строительства объекта принимаются по текущим ценам по формуле:*

$$Сэм = Зм \times Ц\,пр,$$

*Где;*

*Зм- объем эксплуатации машин и механизмов в часах:*

*Цпр-текущие цены на эксплуатацию машин и механизмов в чач/сумм:*

*Текущие цена на эксплуатацию машин и механизмов определены по данным заказчика.*

*Прочие затраты подрядчика (Пп) состоят из необходимой прибыли ,включая обязательные платежи и отчисления ,складывающейся исходя из конъюктуры рынка подрядных работ (услуг).*

*Прочие затраты и расходы заказчика (Пз) состоят из затрат на проектно-изыскательские работы, экспретизу, проведения конкурсных торгов (тендера),осуществления технического надзора , других расходов , связанных со строительством объекта.*

*Прочие затраты заказчика включаются в договорную стоимость объекта по данным заказчика.*

*Рассчитанная стоимость строительства объекта является рекомендательной.*

*Стоимость объекта «термиз лавлат университетини іт-локаль тизими билан таъминлаш"*

*в текущих ценах определилась в сумме 686430,704 тыс.сум с учетом НДС.*

*СОСТАВИЛ:* *И.К.ПИЩАЕВА*

СТОИМОСТЬ ОБЪЕКТА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ.

# ТЕРМИЗ ДАВЛЯТ УНИВЕРСИТЕТИНИ IT ЛОКАЛЬ ТИЗИМИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

| №№ ПП | НАИМЕНОВАНИЕ ЗАТРАТ | Общая стоимость (с учетом начислений на социальное страхование) ТЫС.СУМ |
|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 |
| 1 | ЗАТРАТЫ НА ОСНОВНУЮ ЗАРАБОТНУЮ ПЛАТУ С УЧЕТОМ НАЧИСЛЕНИЙ НА СОЦИАЛЬНОЕ СТРАХОВАНИЕ | **44503,113** |
| 2 | ЗАТРАТЫ НА ЭКСПЛУАТАЦИЮ МАШИН И МЕХАНИЗМОВ | **16771,484** |
| 3 | ЗАТРАТЫ НА СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАТЕРИАЛЫ | **32056,705** |
| 4 | ОБОРУДОВАНИЕ | **473328,020** |
| **5** | **ИТОГО ПРЯМЫХ ЗАТРАТ** | **566659,323** |
| 6 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА (0%) | **0,000** |
| 7 | ЗАТРАТЫ НА СТРАХОВАНИЕ СТРОИТЕЛЬНЫХ РИСКОВ | **1813,310** |
| 8 | КОЭФФИЦИЕНТ РИСКА | **0,000** |
| 9 | **ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ БЕЗ НДС** | **568472,633** |
| 10 | Н Д С 15% | **85270,895** |
| 11 | ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ЗАКАЗЧИКА 5% | **32687,176** |
| 12 | **ИТОГО СТОИМОСТЬ СТРОИТЕЛЬСТВА В ТЕКУЩИХ ЦЕНАХ С НДС** | **686430,704** |

ГИП ЧПП "УЙЖОЙСАНОАТСУВКУРИЛИШ: Д.ШАМСУДДИНОВ

СОСТАВИЛ: Н. ПИЩАЕВА

# ОБЪЕКТНАЯ СМЕТА

# ТЕРМИЗ ДАВЛЯТ УНИВЕРСИТЕТИНИ IT- ЛОКАЛЬ ТИЗИМИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ

| № | Наименование сметы | З/ПЛАТА | МАШИНА | МАТЕРИАЛ | КАБЕЛ. ПРОДУКЦИЯ | ОБОРУДОВ-Е | ИТОГО |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | *IT -ЛОКАЛЬНАЯ СЕТЬ* | | | | | | |
| 1 | *ЛОКАЛЬНАЯ СЕТЬ* | 44503,113 | 16771,484 | 11514,250 | 19671,668 | 464047,078 | 556507,594 |
| | ВСЕГО | 44503,113 | 16771,484 | 11514,250 | 19671,668 | 464047,078 | 556507,594 |
| | ТРАНСПОРТ ПРИВОЗ.МАТЕРИАЛОВ 5%,1,5%,2% | | | 575,713 | 295,075 | 9280,942 | 10151,729 |
| | ВСЕГО ПО ОБЪЕКТУ С ТЕХ. ОБОРУДОВАНИЕМ | 44503,113 | 16771,484 | 12089,963 | 19966,743 | 473328,020 | 566659,323 |

составил ПИЩАЕВА И К

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Термиз давлат университети ректори

А. Марахимов

________________
(имзо)

“____” __________ 2022 й.

# ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТ АХБОРОТ КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХАРИД ҚИЛИШ ҲУЖЖАТИ

## ТЕХНИК ТОПШИРИҒИ

Термиз 2022 йил

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

1. Техник шартлари ва қурилмалар

| № | Ишлари номи | Ўлчов бирлиги |
|---|---|---|
| 1. | Термиз давлат университети мавжуд корпоратив тармоқни ўрганиб чиқиш ва барча қурилмаларни созлаш | 13та ўқув бино |
| 2. | O'zDSt 1987:2018 Ўзбекистон Республикаси "Ахборот технологиялари" давлат стандартига мувофиқ техник топшириқ ва лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш. Ахборот тизимини яратиш бўйича техник топшириқ.<br>- Локал тармоқларни лойиҳалаш<br>- Симсиз тармоқларни лойиҳалаш<br>- Сервер хонани такомиллаштириш бўйича лойиҳалаштириш<br>- Корпоратив тармоқ топологияси Поставка, монтаж и обслуживание | Бутун лойиҳа учун |
| 2.1. | Умумий параметрлар<br>Пакетли процессор Realtek RTL8382M<br>24 порта 10/100/1000BASE-T (RJ-45)<br>4 порта Combo 10/100/1000Base-T/100Base-FX/1000Base-X<br>1 консол порт RS-232 (RJ-45)<br>Умумдорлиги<br>Ўтказиш қобилияти — 56 Гбит/с<br>Умумдорлиги 64 байт пакетларда ишлаш 1 — 41,658 MPPS<br>Буфер хотира ҳажми — 512 Кбайт<br>Оператив хотира (DDR3) — 256 Мбайт<br>ДХҲ ҳажми (SPI Flash) — 32 Мбайт<br>МАС манзиллар жадвали — 8192<br>ARP ёзувлари сони — 1000<br>VLAN жадвали — 4094<br>Мультисаст гуруҳлари сони L2 Multicast (IGMP Snooping) — 509<br>SQinQ — 128(ingress), 256(egress)<br>MAC ACL — 381<br>IPv4/IPv6 ACL — 219/128<br>L3-интерфейслар сони — 8 vlan, 5 тагача IPv4-адрес хар бир vlan, 300 тагача IPv6 GUA vlan<br>Link Aggregation Groups (LAG) — 8 групп, 8 портгача битта LAG учун<br>QoS — ҳар бир порт учун 8 чиқиш навбати. | 46 та. |

| | | |
|---|---|---|
| | Jumbo-фрейма ҳажми — Пакетнинг максимал ҳажми 10 000 байт<br>Бошқарув коммутатор L2, Ethernet-коммутатор , 24 порта 10/100 Base-T, 4 порта 10/100/1000 Base-T/1000Base-X (SFP), L2, 220V AC, 12V DC қўшимча функциялар L2<br>Стек қўллаб-кувватлаш<br>Multicast (IGMP Snooping, MVR) қўллаб-қувватлаш<br>L2-L4 ACL, IP Source Guard, Dynamic ARP Inspection и др.<br>Узлуксиз батарея қуввати<br>Электр кучланишидан самарали ҳимоя қилиш - 6 кВ гача, | |
| 2.2. | Телекоммуникацион шкафлар:<br>- Шкаф 6U 600x450x503мм юк кўтариш ҳажми 60 кг гача, KV6406BAA | 38 та. |
| 2.3. | Tranceiver SFP BIDI 1310 nmTx/1550nmRx 1.25G 20km LC Артикул:SPT-PB531G-L20D – 55та<br>Tranceiver SFP BIDI 1310 nmTx/1550nmRx 1.25G 20km LC Артикул:SPT-PB351G-L20D – 55 та | 110 та. |
| 2.4. | Оптик улаш кассетаси Оптик улаш кассетаси учун шаффоф қопқоқ | 110 та. |
| 2.5. | Патч корд UPC Дуплекс 10М LC-LC Артикул:SPP-LC-LC-UU-2D-20-10V | 28 та. |
| 2.6 | 4 та толали оптик кабел масофавий қувват элементли оптик кабель (пўлат сим), осилган, бир модулли, | 2650 м |
| 3. | Мутахассисларни тайёрлаш (3 ой) Ўқиш натижаларига кўра тегишли сертификатлар бериш.<br>Симсиз тармоқларни алмаштириш, маршрутлаш ва асослари.<br>Корпоратив тармоқларда ахборот хавфсизлигини таъминлаш. | 2 ходим |
| 4. | Корпоратив тармокда мавжуд видеокузатув тизимларини кўчириш:<br>- видеокузатув камераларини демонтаж ва монтаж қилиш ва нвр курилмаларини созлаш<br>- Хар бир бинода мавжуд бошқарув коммутаторларини созлаш ва видеопотокларни бошқариш.<br>- Хар бир бинода мавжуд видеокаремаларни алоҳида алоҳида изолациялаш ва мониторинг тизимига интеграциялаш. | 13 бинода<br>500 та. |
| 5. | - SNMP сервер ўрнатиш ва созлаш;<br>- Симсиз локал тармоқларни бошқариш ва созлаш;<br>- Kerio control серверини созлаш;<br>- Умумий видеопотокларни бошқариш;<br>- Мониторинг тизимини яратиш ва созлаш;<br>-Тармоқ трафигини мониторинг қилиш тизимларини ўрнатиш ва созлаш; | |

| | | |
|---|---|---|
| | - 80 та бошқариш коммутаторларини созлаш;<br>- АТ-инфратузилмани техник аудит қилиш;<br>- Сервер қурилмалари техник аудит қилиш;<br>- АТ инфратузилмани техник қўллаб қувватлаш<br>- Мавжуд корпоратив тармоқни доимий ишланини қўллаб қувватлаш 3 ой давомида; | |
| 6. | - Оптик толали кабелни пайвандлаш<br>- Оптик кросса монтаж қилиш 110 та<br>- 13 та ўқув биносида мавжуд коммутатор қурилмаларига СФП модулларини созлаш ва тест қилиш.<br>- Оптик толали патчкордларни пайвандлаш, геометрияси талабларига мувофиқлигини кафолатлайдиган ОФ ва ямоқ кордонларини ётқизиш тизими;<br>- тўғридан-тўғри ОДФда сплиттерларни ўрнатишни конструктив равишда қўллаб-қувватлаш;;<br>- Оптик толали кабелни пайвандлаш жараёнида минимал жойни эгаллаш.<br>- Хар бир ўқув биносининг қаватларида орсига оптик толали кабелларни пайвандлаш. | 13 ўқув биноси<br>80 коммутатор<br>Кабель умумий узунлиги 2700м дан 3000 м гача. |

2. **Ишончлилик талаблари**

Қурилмалар доимий 24/7/365 ишлашини таъминлаши керак.

Университет ўқув биноларида бажарилиши керак бўлган ишлар рўйхати:

- Педагогика факультети биноси – 4 қаватли бино, 10 480 кв.м;
- Иқтисодиёт ва филология факультетлари бинолари - 4 қаватли бино, 16848 кв.м.
- Физика-математика ва кимё-технология факультети бинолари - 3 қаватли бино, 14000 кв.м.
- Магистратура биноси 2 қаватли 8000 кв.м

2.1. Етказиб берувчи бажариши шарт ишларини

- иш режасини ишлаб чиқиш;

- пассив ва актив ускуналарни ўрнатиш;

- ускунани ишга тушириш.

2.2. Тизимни назорат қилиш ва қабул қилиш тартиби

Тизимни етказиб бериш ва қабул қилиш жараёнида қуйидаги иш турлари амалга оширилади:

- дастлабки синовлар;
- камчиликларни бартараф этиш;
- қабул қилиш тестлари.

3. Ҳужжатларга қўйиладиган талаблар

Қурилмаларга фойдаланувчи ва администратор қўлланмалари бўлиши керак.

4. Кафолат хизматига қўйиладиган талаблар

Қурилмалар янги, илгари ишлатилмаган ёки ишлатилмаган бўлиши керак.

Қурилмалар ишлаб чиқарилган йили: 2021 йилдан олдин эмас.

5. Иштирокчига қўйиладиган талаблар

– Иштирокчи маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалдаги лицензияга, шунингдек, ушбу соҳада техник топшириқни ишлаб чиқиш бўйича камида 2 йил иш тажрибасига эга бўлиши керак.

– Танлов иштирокчиси тармоқлар ва маълумотларни узатиш тизимларини қуриш бўйича камида 5 нафар сертификатланган мутахассисга эга бўлиши керак.

- Иштирокчи охирги 12 ой давомида амалга оширилган шунга ўхшаш лойиҳалар бўйича камида 3 та шарҳ (ташкилот бланкида) тақдим этиши керак.

- Иштирокчи қуйидагилар бўйича тажрибага эга бўлиши керак:

- симсиз тармоқларни қ;

- видеокузатув камераларини ўрнатиш ва созлаш;

- узлуксиз қувват манбаларини ўрнатиш;

- серверларни ўрнатиш ва созлаш;

- маълумотларни узатиш тармоғини лойиҳалаш ва ўрнатиш бўйича.

Иштирокчи 3 ой мобайнида Буюртмачининг камида 2 нафар мутахассисини сертификатланган ўқув марказларида ўқитиши керак. Тренинг натижаларига кўра тегишли сертификатлар беринг.

6. Берилган ускунага қўйиладиган талаблар

Лойиҳа доирасида етказиб бериладиган ускуналар Ўзбекистон Республикаси худудидаги ваколатли компаниядан бўлиши керак. Расмий ҳамкорнинг мавжудлиги ва ушбу шерикнинг лойиҳада иштирок этиши тўғрисида ишлаб чиқарувчидан асл хатни тақдим этиш керак

H. Choriyev

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QURILISH VAZIRLIGI
«SHAHARSOZLIK HUJJATLARI EKSPERTIZASI»
DAVLAT UNITAR KORXONASI

Сурхондарё вилояти

190100, Termiz shahri , Taraqqiyot ko'chasi, 42-uy, Termiz shahri, AT "Турон" bank Tel-Fax: (376)-22-3-24-87, 22-3-06-42, 22-3-24-75 Mail: surxonekspertiza@mail.ru www.mc.uz

Holati: Ijobiy
Direktor: NURALIYEV NURBEK BAXTIYOROVICH
Sana:01-07-2022 yil

## Yig'ma ekspert xulosasi № 49500

**Obyekt nomi** «Surxondaryo viloyati Termiz davlat unversitetini IT lokal tizimi bilan ta'minlash »

**Buyurtmachi –** "Termiz davlat unversiteti"
**Bosh loyihachi** - "Uyjoysanoatsuvqurilish" XLK
**Litsenziya** AL-000247 sonli, 2021 yil 30 sentyabrda O'zbekiston Respublikasi qurilish vazirligi tomonidan berilgan
**Moliyalashtirish manbai** - Budjet mablag'lari
**Bosh pudratchi** – Erkin tanlov savdo natijalariga ko'ra aniqlanadi
**Qurilish turi** Joriy ta'mirlash
**Murojaat raqami:** № 47707

### 1. Loyihalash uchun asos

1.1. Buyurtmachi tomonidan 2022-yil tasdiqlangan loyixalashga topshiriq.

1.2. Buyurtmachi tomonidan 2022-yil tasdiqlangan nuqsonlar dalolatnomasi.

### 2. Ekspertiza uchun taqdim etilgan materiallar

ShNK 1.03.01-16 talablariga asosan taqdim etilgan xujjatlar.

1. Smeta xujjatlari.
2. Nuqsonlar dalolatnomasi.

### 3. Loyiha yechimlarining qisqacha mazmuni

Surxondaryo viloyati Termiz davlat unversitetini IT lokal tizimni joriy ta`mirlash ob'ektida quyidagi ishlarni bajarish ko'zda tutilgan.

- switch- kommutator 24 port 56 gbit/s. 46 dona o'rnatish
- devorga o'rnatishga mo'ljallangan 600x450x503 shkaflar o'rnatish.
- mavjud kameralarni olib qayta o'rnatish.
- Optik lolali kabellar tortish.

### *3.1. Ta'mirlash ishlarning davomiylik muddati*

Joriy ta'mirlash davomiylik muddati 1 oyni tashkil qiladi.

### 4. Loyihalanayotgan ob'ektning muhandislik ta'minoti:

**5. Loyihani kelishilganligi to'g'risida hujjatlar.**

**6. Ekspertiza natijalari.**

*6.1. Ekspertiza jarayonida (lokal) ekspert xulosaning izohlariga muvofiq ishchi loyixani quyidagi asosiy tuzatishlar va qo'shimchalar kiritildi:*

- nuqsonlar dalolatnomasi belgilangan tartibda tasdiqlandi;
- materiallarning narxlari joriy narxlar bo'yicha to'g'irlandi.
- materialga qo'shib xisoblangan qo'l kuchi ishlari olib tashlandi.

***6.2.Ta'mirlashning narxi sarxisobi:***

- Taqdim etilgan loyixani qurilish ishlari qiymati QQS (qo'shimcha qiymat solig'i) bilan - **693 965.181 ming so'mni** tashkil qilgan bo'lib, ekspertiza natijasiga ko'ra, taqdim etilgan qiymati **7 534.477 ming so'm** miqdorida kamaytirilib-**686 430.704 ming so'mga** tasdiqlash uchun tavsiya etildi, shu jmladan:
- qurilish montaj ishlari –568 472,633 ming.so'm.
- qo'shimcha qiymat solig'i –85 270,895 ming.so'm.
- buyurtmachining boshqa xarajatlari–32 687,176 ming.so'm.

*6.3.O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 2021-yil 17-sentyabrdagi 579-sonli qarorining 7-ilovasiga muvofiq:*

- yakuniy xarajat buyurtmachi va pudratchi tomonidan ta'mirlash ishlari tugaganidan so'ng nazorot o'lchovi natijalari asosida pudrat shartnomasi smeta qiymatidan oshmagan xolda aniqlanadi;

ekspertizadan o'tkazish uchun taqdim etilgan xujjatlarining to'liqligi, ma'lumotlarning ishonchliligi yuzasidan buyurtmachi va qabul qilingan loyixa yechimlari yuzasidan ishlab chiquvchi javobgar hisoblanadi.

**7. Xulosalar.**

7.1. Surxondaryo viloyati Termiz davlat unversitetini IT lokal tizimni bilan ta'minlash ishchi loyixasi bo'yicha kelgusida ko'rib chiqish va tasdiqlashga tavsiya etiladi.

7.2. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 11.06.03 yildagi № 261-sonli qaroriga va ShNK04.01.16-09 asosan tavsiya qilinayotgan qiymati pudrat shartnomasi tuzish uchun asos bo'la olmaydi va erkin tanlov savdosining boshlang'ich qiymatini yakuniy aniqlash huquqi buyurtmachiga zimmasiga yuklatiladi.

**Bosh mutaxassis:** MAXMUDOV ISMOIL SOATQUL O'G'LI

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 124624 на приобретение Услуги по монтажу локальной сети (Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузлмасини такомиллаштириш буйича)**

Способ проведения электронный

Дата 28.07.2022

Время рассмотрения 27.07.2022 17:50

Конкурсная комиссия Термизкий государственный университет, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABDUG'ANIYEV OTABEK ALLAJONOVICH | Moliya-iqtisod ishlari bo'yicha prorektor | ТДУ |
| **Секретарь комиссии** | XO'JANAZAROVA ZEBO YUSUPOVNA | Moliya-iqtsiod ishlari bo'yicha prorektor kotiba-ish yurituvchisi | ТДУ |
| **Член комиссии** | Qodirov Farxodjon Qurbonovich | -Korrupsiyaga qarshi kurashish "Komplayens-nazorat" tizimini boshqarish boMımı boshlig'i | ТДУ |
| **Член комиссии** | SARIBAYEV ALISHER BURIYEVICH | Bosh hisobchi o'rinbosari | ТДУ |
| **Член комиссии** | XURSANDOV NURULLO KUDRATOVICH | Molıya-reja boMımı boshlig'i | ТДУ |
| **Член комиссии** | SHAMETOV NEGMATULLA QORABOYEVICH | Bosh muhandis | ТДУ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.07.2022 года № лота 124624.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 80.00 / Весовой коэф. ценовой части: 20.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по монтажу локальной сети** |
|---|---|
| Подробное описание | Услуги по монтажу локальной сети (Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузлмасини такомиллаштириш буйича) |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 686 430 704.00 |
| Стартовая сумма | 686 430 704.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Танлов иштирокчиси тармоқлар ва маълумотларни узатиш тизимлари соҳасида камида 5 нафар сертификатланган (CISCO бўйича) мутахассисга эга бўлиши

Тип: Бинарное значение

Описание: Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №2 инсофсиз ижрочилар ягон руйхатига йуклиги тугрсида

Тип: Бинарное значение

Описание: маьлумотнома

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №3 Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги ҳамда мавжуд оргтехника ва иш асбоблари тўғрисида маълумот

Тип: Бинарное значение

Описание: Ишлаб чиқариш базаси ва офиси борлиги (ўз балансида бўлса 1 коэффициент, ижарада бўлса 0,5 коэффициент билан бахоланади) Мавжуд оргтехника ва иш асбоблари тўғрисида маълумот (камида 10 бирликда ўлчов асбоблари ва 10 бирликда оргтехника жихозлари борлиги)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №4 Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида, ишлар бажариладиган худуд билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот,

Тип: Бинарное значение

Описание: Охирги 3 йилда бажарган ишлари тўғрисида маълумот (камида 2 та ўхшаш объектларнинг бажарилганлиги ва якунига етказилганлиги) Худуд майдони билан танишганлиги ва бажариладиган ишлар тўғрисида маълумот (фотосуратлар, лойиҳа таклифи) рўйхати

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 20 | 1 | 18 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 20 | 1 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №5 Иштирокчи маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан фойдаланиш соҳасида амалдаги лицензияси

Тип: Бинарное значение

Описание: Агар мавжуд бўлмаса, харид комиссияси аъзоларининг умумий сонининг кўпчилик овози билан иштирокчининг таклифи рад этилиши мумкин

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |

Критерий №6 корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, гувохнома, лицензия, кафолат хати, молиявий ахволи

Тип: Бинарное значение

Описание: корхонаси тўғрисида тўлиқ маълумот, структураси Юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома, ишларини олиб бориш ҳуқуқини берувчи лицензияга эгалиги Буюртмачи билан суд тортишув ҳолатида эмаслиги, аввал тузилган шартомалар бўйича бажарилмаган мажбуриятлар йўқлиги, , молиявий барқарор, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлик йўқлигини тасдиқловчи ва буюртмани ўз вақтида бажарилиши тўғрсида кафолат хати корхонасининг молиявий ахволи

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 15 | 1 | 15 | Экспертная | | |

Критерий №7 корхонасида ишлаётган ишчилар сони камида 7 киши булиши

Тип: Бинарное значение

Описание: Соха бўйича олий маълумотга эга иш тажрибаси 5 йилдан кам бўлмаган 2 нафар рахбарлик лавозимидаги, мутахассислар ҳамда доимий асосда ишлайдиган камида 5 нафар малакали ходим ва ишчилар борлиги (охирги йилдаги статистика хисоботига асосан ва шартнома асосида жалб этилган)

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 10 | 1 | 10 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 10 | 1 | 9 | Экспертная | | |

Критерий №8 ДСИ дан кариздорлиги йуклиги тугрсида

Тип: Бинарное значение

Описание: ДСИ дан кариздорлиги йуклиги тугрсида

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО " PRONETWORK"** | 12 | 1 | 12 | Экспертная | | |
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 12 | 1 | 12 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 686 430 704.00 | 650 150 750.00 UZS | 650 150 750.00 | 00.00 | 650 150 750.00 | 26.07.2022 15:39:18 | 20.00 |
| **ООО " PRONETWORK"** | 686 430 704.00 | 671 200 000.00 UZS | 671 200 000.00 | 00.00 | 671 200 000.00 | 22.07.2022 14:21:00 | 19.37 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **SMART IT SUPPORT ООО** | 78.4312 | 20 | 98.4312 |
| **ООО "PRONETWORK"** | 77.6472 | 19.37 | 97.0172 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 124624 от 28.07.2022 года на приобретение Услуги по монтажу локальной сети (Термиз давлат университетининг Ахборот коммуникация технологиялари инфратузлмасини такомиллаштириш буйича) определила победителем:

SMART IT SUPPORT ООО
304991355

и резервный исполнитель: ООО "PRONETWORK" (307757610)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | ABDUG'ANIYEV OTABEK ALLAJONOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SARIBAYEV ALISHER BURIYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XURSANDOV NURULLO KUDRATOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHAMETOV NEGMATULLA QORABOYEVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП